



LUND UNIVERSITY

Халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатлар ҳудудидаги ваколатхоналари мақомининг ҳуқуқий табиати

Rakhmanov, Shuxrat

Published in:

Xalqaro munosabatlar / Международные отношения / International relations

2017

Document Version:

Förlagets slutgiltiga version

[Link to publication](#)

Citation for published version (APA):

Rakhmanov, S. (2017). Халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатлар ҳудудидаги ваколатхоналари мақомининг ҳуқуқий табиати. *Xalqaro munosabatlar / Международные отношения / International relations*, (2), 84-93. <http://uwed.uz/uz/e-journal/10>

Total number of authors:

1

General rights

Unless other specific re-use rights are stated the following general rights apply:

Copyright and moral rights for the publications made accessible in the public portal are retained by the authors and/or other copyright owners and it is a condition of accessing publications that users recognise and abide by the legal requirements associated with these rights.

- Users may download and print one copy of any publication from the public portal for the purpose of private study or research.
- You may not further distribute the material or use it for any profit-making activity or commercial gain
- You may freely distribute the URL identifying the publication in the public portal

Read more about Creative commons licenses: <https://creativecommons.org/licenses/>

Take down policy

If you believe that this document breaches copyright please contact us providing details, and we will remove access to the work immediately and investigate your claim.

LUND UNIVERSITY

PO Box 117
221 00 Lund
+46 46-222 00 00

Ш.Н. Рахманов

**Халқаро ташкилотларнинг
аъзо-давлатлар ҳудудидаги
ваколатхоналари мақомининг
ҳуқуқий табиати**

В статье рассматривается правовая природа представительств международных организаций на территории государств-членов, анализируются международно-правовой статус, иммунитеты и привилегия представительств международных организаций на территории государств-членов. На основе проведенного анализа автором выявлен ряд недостатков Венской конвенции 1975 г. и представлены соответствующие практические рекомендации по их устранению и совершенствованию дипломатического законодательства Республики Узбекистан.

* * *

In the present article, the legal nature of representative offices of the international organizations in the territory of member states is opened. In article the international-legal status, including immunities and the privilege of representative offices of the international organizations in the territory of member states are opened. In this direction, a number of shortcomings of the Vienna convention of 1975 are defined and the corresponding practical recommendations about their overcoming in this direction are submitted.

Калит сўзлар: *халқаро ташкилотлар, ҳуқуқий табиат, ваколатхона, вакиллик, халқаро-ҳуқуқий мақом, имтиёзлар, дахлсизликлар, Вена конвенцияси, Низом, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи.*

* * *

Ключевые слова: *международные организации, правовая природа, представительство, международно-правовой статус, привилегия, иммунитеты, Венская конвенция, Положение, дипломатическое и консульское право.*

* * *

Key words: *international organizations, legal nature, representation, international-legal status, privilege, immunities, Vienna convention, Rule, diplomatic and consular law.*

Рахманов Ш.Н., ю.ф.н., доцент.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи сифат жиҳатидан ривожланиб бораётган воқелик сифатида қабул қилинади. Халқаро ҳуқуқ доирасида янги институт ва тармоқлар вужудга келмоқда, мавжудлари йириклашиб бормоқда. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи доирасида вужудга келган халқаро ташкилотларнинг вакиллиги институти замирида шакллланган халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳуқуқи юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳуқуқи ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ажралмас қисми бўлиб, унинг замирида вакиллик институти ётади ва у халқаро ташкилотлар дипломатик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири ҳисобланади.

Халқаро ташкилотларнинг вакиллиги ўз навбатида икки кўринишда бўлиб, халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳуқуқи доирасида икки мустақил институт – халқаро ташкилотларнинг ўз аъзо-давлатларида вакиллиги ва аъзо-давлатларнинг халқаро ташкилотлардаги вакиллиги сифатида шаклланди. Ўзбекистонлик олимларимнинг таъкидлашича, «ваколатхона давлатлар ташқи алоқаларининг хорижий органларидан бири ҳисобланади» [1]. Россиялик профессор М.М. Аваков фикрича ҳам «Бундай доимий ваколатхона давлатлар ташқи алоқаларининг муҳим хорижий органларидан бири ҳисобланади» [2]. «Давлатларнинг халқаро ташкилотлар ва конференцияларнинг дипломатик фаолияти доирасидаги вакиллиги, – деб ёзган эди шу борада Халқаро ҳуқуқ комиссияси, – ўз хусусиятларига эга. Давлатнинг халқаро ташкилот ҳузуридаги вакили мақоми ушбу давлатда аккредитациядан ўтган дипломат мақомидан фарқ қилади, яъни у ўз давлатининг мазкур давлатдаги вакили эмас... Халқаро ташкилот ҳузуридаги давлат вакили ушбу ташкилотда ўз давлати номидан иштирок этади» [3].

Маълумки, давлатлар у ёки бу халқаро ташкилот ҳузурида ўзларининг доимий ваколатхоналарини ташкил этадилар (агар бундай ҳолат ушбу ташкилотнинг қоидаларида назарда тутилган ёки одатдаги амалиёти бўлса). Айрим ташкилотлар ўз ҳузурида давлатларнинг доимий ваколатхоналарини таъсис этиш амалиётига эга эмас. Уларнинг вазифаларини ушбу ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг элчихоналари бажарадилар [4]. Бугунга келиб, айрим халқаро ташкилотлар аралаш амалиёт тажрибасини илгари сурмоқдалар. Бу дегани - аъзо давлатлар халқаро ташкилот қошида ўз ваколатхонасига эга бўладилар. Аммо унинг аъзолари (вакиллари) ушбу давлатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхона (элчихона) таркибига киради. Масалан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2002 йил 7 июнда қабул қилинган Хартиясининг 18-моддасига биноан, «аъзо давлатлар уларнинг ички қоидалари ва таомилларига мувофиқ, ШХТ Котибияти ҳузу-

ридаги доимий вакилларини тайинлайдилар. Улар аъзо давлатларнинг Пекин шаҳридаги элчихоналарининг дипломатик ходимлари таркибига кирадилар». Таъкидлаш жоизки, бундай амалиёт эътиборга лойиқ бўлиб, кўп жиҳатдан аксарият давлатларнинг манфаатларига мос келади ва келажакда давлатлар ваколатхоналари фаолиятининг шаклларида бири сифатида қабул қилиниши мумкин. Бунинг устига, ушбу ҳолда вакилларнинг дахлсизлиги ҳажми масаласи туғилмайди, чунки улар дипломатик вакилларга тенглаштирилган бўладилар.

Мазкур мақолада биз вакилликнинг иккинчи тури – халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатларидаги вакиллиги, яъни халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатлар ҳудудидаги ваколатхоналарининг халқаро-ҳуқуқий табиати, шу жумладан ушбу тоифадаги ваколатхоналарнинг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисида сўз юритамиз.

Голландиялик олим М. Ван дер Брукнинг асосли фикрига кўра, “вакиллик тизимида халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатларида вакиллиги муҳим ўрин тутди. Негаки, халқаро ташкилотлар ўз аъзо-давлатлари билан алоқаларни тез ва сифатли юритишлари учун улар ҳудудида ўз ваколатхоналари ва вакилларига эга бўлишлари лозим” [5]. Ўз навбатида инглиз олими Д.В. Бовет, “халқаро ташкилотлар учун ҳам, аъзо-давлатлар учун ҳам ўзаро вакиллик институтлари мавжуд бўлиши қулайликлар ва тезкорликни яратади”, - деган фикрни илгари суради [6].

Халқаро ташкилотларнинг имтиёз ва дахлсизликлари илк бор шартномавий даражада 1921 йилда Швейцария Конфедерацияси билан Миллатлар Лигаси ўртасидаги «Миллатлар Лигасининг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисида»ги муваққат битим (у кейинчалик 1926 йилдаги Муваққат битим билан тўлдирилган)да мустаҳкамлаб қўйилган [7]. Шу тариқа халқаро ташкилотлар ролининг ошиши, уларнинг халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги ва халқаро ҳуқуқни кодификация қилишдаги иштироки ва назорат функцияларининг кучайиши, халқаро ташкилотлар аъзолари бўлган давлатлар ҳудудида ушбу ташкилотлар ваколатхоналарининг кўпайиши, давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари фаолиятининг жадаллашуви каби сабабларга кўра ушбу муносабатларни нафақат халқаро ҳуқуқ, балки давлатларнинг ички ҳуқуқи билан ҳам тартибга солиш зарурати вужудга келди.

Кўпчилик давлатлар ўз миллий ҳуқуқида халқаро ташкилотларнинг имтиёз ва дахлсизликлари масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини аниқлаш йўлидан кетдилар. Масалан, Буюк Британияда халқаро ташкилотларнинг дипломатик имтиёзларини тартибга солувчи бир қатор қонунлар амал қилади. Булар: «БМТ ҳамда БМТ Халқаро Судининг дипломатик имтиёзлари тўғрисида»ги 1974 йилдаги қонун;

«Халқаро Меҳнат Ташкилотининг дипломатик имтиёзлари тўғрисида»ги 1949 йилдаги қонун; «ЭАХИнинг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисида»ги 1945 йилдаги қонун; «Қароргоҳи Англия ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар тўғрисида»ги 1981 йилдаги қонун [8].

1945 йилда АҚШда халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқини тартибга солувчи федерал ҳужжат қабул қилинди. У «Халқаро ташкилотларнинг дахлсизликлари тўғрисида» деб аталади. 1972 йилнинг 24 октябридан эса халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига алоқадор бўлган «Америка Қўшма Штатларининг расмий меҳмонлари ва хорижий мансабдор шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун амал қилмоқда [9].

Юқорида келтирилган қонун ҳужжатларининг номланишидан кўриниб турганидек, улар асосан халқаро ташкилотларнинг имтиёз ва дахлсизликларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Чунки, умуман олганда, ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартиботига киради. Ҳеч бир давлат халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ёки мустақкамлаб қўйишга ҳақли эмас, чунки ушбу мақом халқаро ташкилотлар аъзолари бўлган давлатлар қабул қиладиган ташкилотлар низомларида назарда тутилган бўлади. Ваҳоланки, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми уларнинг таъсис ҳужжатлари ёки бу масалани тартибга солувчи бошқа халқаро ҳужжатдан келиб чиқади.

Давлатлар бундай шартномаларнинг иштирокчилари сифатида уларда қайд этилган мажбуриятларни бажариши лозим ҳисобланади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб, давлатлар ўз ҳудудидаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ёки қароргоҳларига имтиёзлар ва дахлсизликлар бериш тартибини белгилайдилар. Халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси жойлашган ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ бўйича эга бўлган имтиёзлар ва дахлсизликларни қўллаш механизмини амалга ошириш, шунингдек имтиёзларнинг суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслик ҳуқуқига эгадир.

Демак, халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатлар ҳудудидаги вакиллиги халқаро универсал шартнома ёки конвенция билан тартибга солинади. Шунинг учун ҳам 1946 йил 13 февралда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 31-ялпи мажлисида Бирлашган Миллатларнинг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисидаги конвенцияни ҳамда БМТ билан АҚШ ўртасидаги Битимни қабул қилди.

БМТ билан Қўшма Штатлар ўртасидаги БМТ қароргоҳи тўғрисидаги битим 1947 йил 26 июнда имзоланди¹. БМТ ва АҚШ ҳукумати ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Марказий муассасаларининг жойлашуви хусусида тузилган 1947 йил 26 июндаги би-

¹ БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 31 октябрдаги 169 (II) Резолюцияси билан қабул қилинган.

тимга мувофиқ, «Марказий муассасалар ҳудуди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти назоратида ва ҳукмронлигидадир»¹. Шунингдек, 1946 йил 1 июлда БМТ Швейцария ҳукумати билан БМТнинг Швейцария конфедерацияси ҳудудидаги муассасалари тўғрисида шартнома имзоланган.

Бундан ташқари, 1946 йилнинг 13 феврида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси [10], 1947 йилнинг 21 ноябрида БМТ Бош Ассамблеясининг II сессиясида ихтисослашган муассасаларнинг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинди [11].

1946 йил 13 февралдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, «Бирлашган Миллатлар, уларнинг мулки ва активи, қаерда ва кимнинг тасарруфида бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай шаклдаги суд аралашувидан бўладиган дахлсизликдан фойдаланади», «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бинолари дахлсиздир» [12]. БМТ ихтисослашган муассасаларининг имтиёз ва дахлсизликлари тўғрисидаги 1947 йил 21 ноябрдаги конвенцияда ҳам ҳудди шундай қоида белгилаб қўйилган. Шундай қилиб, тилга олинган Конвенцияларнинг мазмун-моҳиятидан нафақат ташкилотнинг ўзи, балки унинг ваколатхоналари ҳам тўла ҳажмдаги имтиёз ва дахлсизликларга эга эканликларини қўришимиз мумкин.

БМТ ихтисослашган муассасаларининг имтиёзлари ва дахлсизликлари тўғрисидаги 1947 йилги Конвенция бирор давлат қайсидир ихтисослашган муассасага берган имтиёзлар ва дахлсизликларни чекламайди ва бузмайди. Ушбу давлат ҳудуди доирасида мазкур муассасанинг бош бошқармаси ёки минтақавий бўлинмаси бўлганлиги сабабли давлат билан ихтисослашган муассаса ўртасида ушбу конвенциянинг қоидаларини тартибга солувчи, унга бериладиган имтиёзлар ва дахлсизликларни кенгайтирувчи ёки чекловчи қўшимча битимлар тузилиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси юқорида зикр этилган конвенцияларга мувофиқ хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ҳамда халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари республика ҳудудида эга бўладиган имтиёзлар ва дахлсизликларнинг турларини белгилаб, миллий ҳуқуқда уларни «Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва улар ходимларининг фаолияти тўғрисида»ги Ўзбе-

¹ П. а) разд. 7 ст. III Соглашения между Организацией Объединенных Наций и правительством Соединенных Штатов Америки относительно месторасположения Централь-ных учреждений Объединенных Наций от 26 июня 1947 г. // <http://www.un.org/russian/documen/convents/headquar.htm>.

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли 2001 йил 8 май Қарори кўринишида мустаҳкамлаб қўйди [13].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли 2001 йил 8 май Қарорига 1-илова сифатида «Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисида»ги Низом ҳам қабул қилинди [14] ва унинг 6.1 бандида белгиланишича, «дипломатик персонал аъзолари учун назарда тутилган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари давлатлараро музокара-ларда, халқаро конференцияларда ва йиғилишларда қатнашиш учун ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келишадиган хорижий давлатларнинг вакиллариغا, хорижий давлатларнинг парламент ва ҳукумат делегациялари аъзоларига, шунингдек уларни кузатиб боровчи ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади» [15].

2001 йил 8 майда қабул қилинган «Хорижий давлатлар диплома-тик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва уларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикаси-нинг Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтказиш тартиби»га мувофиқ [16], «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг раҳ-барлари ва ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари 1947 йил 21 ноябрда қабул қилинган Ихтисослашган муассасаларнинг имтиёз-лари ва дахлсизликлари тўғрисидаги Конвенцияда [17] назарда тутил-ган имтиёзлар ва дахлсизликлардан (агар ушбу Конвенция уларга та-аллуқли бўлса), шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларда белги-ланган имтиёзлар ва дахлсизликлардан фойдаланадилар» [18].

Шу тариқа айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида БМТнинг 1946 ва 1947 йилги конвенциялари асосида ва уларнинг қоидаларига мос равишда миллий ҳуқуқ ва қонунчиликда халқаро таш-килотларнинг дипломатик ҳуқуқи соҳаси шакллантирилган ва унинг замирида халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақо-ми, имтиёз ва дахлсизликлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида ташқи сиёсий фаолият, шу жумладан халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўналиши жадал ривожланиб бормоқда ва уни тартибга солишга қаратилган давлат сиёсати ҳам эво-люцион ривожланиш йўлидан кетмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг фев-раль ойида илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Респуб-ликасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳара-

катлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши доирасида ушбу масалага ҳам жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, унинг 5.2. бандида қуйидаги энг муҳим вазифалар белгиланган:

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш [19].

Шу нарса аниқки, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси республикамизнинг халқаро ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда концептуал асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ташкилотларнинг вакиллик институти шундай ўзаро ҳамкорлик воситасидирки, унинг зарурлиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Буни халқаро муносабатлар ҳамда халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиёти тасдиқламоқда. Халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари эса ҳаётини заруратдир, зеро ҳозирги шароитда халқаро ташкилот ҳаракатчан ва тезкор бўлиши керак. Буларга эса ташкилот ёки унга аъзо-давлат доимий алоқада бўлган тақдирда ва вакиллик институти ёрдамида эришилади. Шу билан бирга халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг ҳосилавий субъекти сифатида бирламчи субъект бўлмиш давлатлар билан вакиллик институти орқали ва улар ёрдамида алоқага киришишини ҳам унутмаслик зарур.

Хулоса қилиб таъкидлаймизки, вакиллик институти халқаро ташкилотлар дипломатик ҳуқуқининг асосий институтларидан биридир. Энг муҳими, халқаро ташкилотлар дипломатик ҳуқуқининг айнан ушбу соҳасида кодификация ва прогрессив ривожланиш амалга оширилмоқда. Бу эса охир-оқибатда уни халқаро-ҳуқуқий негизлар асосида Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳуқуқий тизимига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда янада ривожлантиришни талаб этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 1946-47 йиллардаги конвенциялар ҳамда 1975 йилги Конвенция ҳозирги кун талабларига жавоб бермайдди. Зикр этилган конвенциялар ва хусусан 1975 йилги Конвенция универсал характердаги халқаро ташкилотлар билан чекланибгина қолиб, уларда ҳозирги кунда халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг

муҳим иштирокчилари бўлмиш минтақавий ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳақида сўз юритилмаган ва бу ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатхоналарининг имтиёз ва дахлсизликлари мустаҳкамланмаган. Боз устига, ушбу конвенциялар XX асрнинг ўрталарида қабул қилинганлиги сабабли уларда алоқа узатишнинг замонавий янги симсиз воситалари ва услублари – WiFi, WiMax, Bluetooth, IR, уяли алоқа ва бошқа технологиялар қайд этилмаган. Бундан ташқари, мазкур конвенцияларда замонавий халқаро ташкилотлар (масалан, ШХТ) амалиёти қўлланилаётган кўп вакиллик институти ҳам ўз изоҳини топмаган. Шундай экан, уларни давр тамойилларига мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра халқаро майдонда кенг қамровли конвенцияга айланмаган 1975 йилги Вена конвенциясида иштирок этмади ва уни ҳанузгача имзоламади. Бу бежиз эмас, албатта. Бизнинг миллий дипломатик қонунчилигимиз 1947 йилги Конвенцияга асосланган, чунончи 1975 йилги Вена конвенцияси 1946 ва 1947 йиллардаги конвенцияларнинг қоидаларини такрорлаган ва шу боис халқаро миқёсда кенг эътироф этилмаган.

Халқаро ташкилотлар ваколатхонаси институтини таҳлил қилиш ушбу соҳада бир қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, халқаро ташкилотларнинг уларга аъзо давлатлар, энг асосийси, аъзо бўлмаган давлатлар ҳудудидаги ваколатхонаси тўғрисидаги ягона конвенциянинг йўқлиги вакиллик институтини мукамал қилмайди. Ҳаракатда бўлган 1946, 1947 ва 1975 йилги Конвенциялар масаланинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солсада, уни ягона яхлит ҳолатда ҳал этмайди. Шу сабабли 1975 йилги Конвенция асосида Давлатларни ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро вакиллиги тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Иккинчидан, аксарият ташкилотлар аъзо давлатлар ҳудудида ўз ваколатхоналарини очиш чоғида кўп жиҳатдан бундай аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигига боғлиқ бўладилар. Бу ҳам вакиллик институтнинг ривожланишини қийинлаштирмоқда. Айниқса халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномаларнинг устуворлигини тан олмайдиган қатор давлатларнинг миллий қонунчилигида 1946, 1947 ва 1975 йилги Конвенциялардан анча йироқ бўлган ва ҳаттоки айрим ҳолатларда уларга зид келувчи қоидалар ўрнатилган. Хусусан, АҚШ 1947 ва 1947 йилги Конвенцияларнинг муаллифларидан бўсада, бироқ, 1975 йилги Конвенцияни ҳанузгача имзоламаган. Бунда АҚШ Давлат департаменти, 1975 йилги Конвенцияни имзолашнинг сабаби қилиб, ушбу Конвенция миллий қонунчиликка зид келишини сабаб сифатида

кўрсатмоқда. Қатор араб давлатлари АҚШ билан зиддиятга эгаллиги сабабли АҚШ томонидан илгари сурилган 1946 ва 1947 йилги конвенцияларни имзоламай келишмоқда ва БМТ ва унинг ихтисослашган ваколатхоналари мақомини икки томонлама битимлар ва миллий қонунчилик асосида белгилаб келишмоқда.

Учинчидан, халқаро ташкилот ваколатхонасини очиш учун уни қабул қилаётган давлат билан ушбу ташкилот ўртасида махсус битим тузилиши зарур. Холбуки, халқаро ташкилот ҳузурида давлатлар ваколатхонасини очиш масаласида бу каби битим ёки шартноманинг имзоланишини талаб этмайди. Фикримизча, давлатларнинг халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кириши ва ушбу ташкилотнинг таъсис ҳужжатларини имзолаши халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатлар ҳудудида ваколатхоналарини очиш учун кифоя бўлиши ва бошқа қўшимча битимларни имзолаш талаб этилмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида ҳам дипломатик қонунчиликни ривожлантириш талаб этилмоқда. Хусусан, дипломатик хизмат тўғрисида, дипломатик фаолият тўғрисида ва халқаро ташкилотларда вакиллик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини узил-кесил ҳал қилиш лозим.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги вакиллиги ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари мақомини белгилаш ва тартибга солишда турли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари мақомини унификация қилиш талаб этилади. Бунинг учун эса халқаро ташкилотларда вакиллик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Адабиётлар

1. Международное публичное право: Учебник. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧПП, 2003. – С. 377.
2. *Аваков М.М.* Венская конференция по вопросу о представительстве государств в их отношениях с международными организациями универсального характера // Сов. ежегодник международного права. 1975. – М.: Наука, 1977. – С. 134.
3. Yearbook of the International Law Commission. – 1969. – Vol. II. – P. 207.
4. *Ганюшкин Б.В.* Дипломатическое право международных организаций. Правовое положение представителей государств при международных организациях, в их органах и на международных конференциях. – М.: Международные отношения, 1972. – С. 34.
5. *Van der Broock M.* International institutions. International Officials. International administrations. – The Hague, 2013. – P. 109-110.
6. *Bowett D.W.* Law of International Institutions. 5th ed. – London: Sweet & Maxwell, 2001. – P. 228.

7. Кузнецов С. А. Представители государств в международных организациях / Отв. ред. д.ю.н., проф. Ю.М. Колосов. – М.: Международные отношения, 1980. – С. 4.

8. Бакаева Ф. Х. Международное право внешних сношений // Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. - Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧПП, 2003. – С. 380.

9. Бакаева Ф. Х. Международное право внешних сношений // Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. - Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧПП, 2003. – С. 380.

10. Каранг: Конвенция о привилегиях и иммунитетах Объединенных Наций от 13 февраля 1946 г. // Действующее международное право. В 3-х томах / Сост. Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Том 1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1999. – С. 615-619.

11. Каранг: Конвенция о привилегиях и иммунитетах специализированных учреждений от 21 ноября 1947 г. // Действующее международное право. В 3-х томах / Сост. Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Том 1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1999. – С. 620-632.

12. Разделы 2-3 ст. II Конвенции о привилегиях и иммунитетах Организации Объединенных Наций от 13 февраля 1946 г. // Действующее международное право. В 3-х томах / Сост. Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Том 1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1999. – С. 615-616.

13. Каранг: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 207 «О деятельности дипломатических представительств, консульских учреждений иностранных государств, представительств международных организаций и их сотрудников в Республике Узбекистан» от 8 мая 2001 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 46.

14. Каранг: Положение «О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан» от 8 мая 2001 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 47.

15. Каранг: Пункт 6.1 Положения «О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан» от 8 мая 2001 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 47.

16. Каранг: Порядок аккредитации дипломатических представительств, консульских учреждений иностранных государств, представительств международных организаций и их сотрудников при Министерстве иностранных дел Республики Узбекистан от 8 мая 2001 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – № 9 (21). – Ст. 47.

17. Каранг: Конвенция о привилегиях и иммунитетах специализированных учреждений от 21 ноября 1947 г. // Действующее международное право. В 3-х томах / Сост. Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Том 1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1999. – С. 620-632.

18. Ўша жойда. VI.19-банд.

19. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февралдаги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 6. – 70-м.